

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 30 июль, № 146 (6076) Чоршанба


# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:

Иордания Подшоҳи
**Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн**

Ўмон Султони **Қобус бин Саид**

Кувайт Давлати Амири
**Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти
**Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими
**Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, Ички ишлар вазири
**Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Қатар Давлати Амири
**Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний**

Туркманистон Президенти
**Гурбангули Бердимуҳамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти
**Имомали Раҳмон**

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири
**Навоз Шариф**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти
**Абдулазиз Бутефлика**

Сингапур Республикаси Президенти
**Тони Тан Кенг Ям**

Сингапур Республикаси Бош вазири **Ли Сянь Лун**

Ислом ҳамкорлиги ташкилоти Бош котиби
**Ийяд бин Амин Маданий** ўз табрикларини йўллаганлар.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

*Ҳар қандай давлатнинг жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида унинг маданий, тарихий, илмий, айниқса, иқтисодий салоҳияти муҳим ўрин тутади. Шу маънода, Ўзбекистон имкониятлари ниҳоятда юқори мамлакат бўлиб, кейинги йилларда иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўсиш суръатлари кўрсаткичлари билан нуфузли давлатлар қаторидан мустаҳкам жой эгаллаб келмоқда. Бу, ўз навбатида, халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани қувонарлидир.*

## Иқтисодий салоҳият ва изчил ривожланиш



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

*Жаҳон банкининг шу йил бошида эълон қилинган "Глобал иқтисодий истиқболлар" маърузасида, жумладан, шундай дейилади: "2014 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти 7,0 фоиз ўсади. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, мазкур кўрсаткич бўйича республика Европа ва Марказий Осиё минтақалари мамлакатлари ўртасида иккинчи ўринни эгаллайди".*

*Олий малакали иқтисодчиларнинг илмий асосланган ушбу башоратлари ҳам мамлакатимизнинг юксалиб бораётган иқтисодий қудрати ва салоҳиятини тўлиқ ҳисобга олмаганлигини кўрсатиб турибди. Чунки статистика маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда 2014 йилда иқтисодий ўсиш суръатлари ҳозирнинг ўзида 8,1 фоиздан кўпроқни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 фоизни, истеъмол маҳсулотлари эса 10,8 фоизни ташкил этаётгани ана шундан далолат бермоқда.*

*Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида таъкидланганидек, бу Истиқлолга эришилгандан кейин ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий тараққиёт йўли танланганлигининг самараси бўлиб, мисли кўрилмаган барча ютуқларимиз замирида фақат халқимизнинг фидойи меҳнати, сабр-чидамлилиги, олижаноблиги ва бағрикенглиги, матонати ва жасорати ҳамда эртанги кунга мустаҳкам ишончи мужассамдир.*

### Биз эскича яшай олмаймиз

Кечаги кунимизга хаёлан назар ташласак, тарихан қисқа даврда қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимиз, бу марраларга эришиш нақадар оғир ва машаққатли кечганлиги ойдинлашади.

Негаки, XX асрнинг охирида республика кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ Иттифоқда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаган эди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарида қайд этилганидек, 1990-йилларнинг бошида республика катта табиий бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлганига қарамасдан, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда инқироз ҳолати кузатиларди. Хусусан, саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши, бор-йўғи, 50,0 фоизни ташкил этар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 80,0 фоиздан кўпроғи мутлақо қайта ишланмасдан ташқарига жўнатиларди.

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти **4,1** баробар ўсди.

### ИЗЛАНИШ

*Навоий машинасозлик заводи муҳандислари замонавий токарлик дастгоҳи яратишди. "ЧПУ 16М30Ф3N" деб номланадиган мазкур ускуна ёрдамида энг мураккаб саналган турли эҳтиёт қисмларни ҳам тайёрлаш имконияти мавжуд.*

## Замонавий токарлик дастгоҳи яратилди

Эътиборлиси, маҳсулот ишлаб чиқариш компьютер хотирасига киритилган дастур асосида амалга оширилади. Бунда турли металл жисмларни қайта ишлаш ва сифатини назорат қилиш ишчи-мутахассислар иштирокисиз бажарилади.

Айни пайтда заводда тайёрланган ушбу маҳсулотга хориждан ҳам буюртмалар келиб тушмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Девиндер Кумар ШАРМА:

## ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИКСЕВАР ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТИ БИЛАН ДУНЁ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА

*Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи бир неча асрларга бориб тақалади. Буюк Ипак йўли алоқалари, Шарқ маданияти ва адабиёти, Бобур ва бобурийлар мероси халқларимизни узвий боғлаб туради.*

### ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги қадимий ришталар янада мустаҳкамланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ишонч ва тенглик, манфаатдорлик руҳида изчил ривожланмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлари вакили Девиндер Кумар ШАРМА ЎзА мухбири билан суҳбатда шулар ҳақидаги фикрларини баён этди.

— Ҳиндистон жадал тараққий этаётган Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Икки давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари ўзаро алоқалар ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг май ойидаги Ҳиндистонга давлат ташрифи асносида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

(Давоми 2-бетда).

### АЙЁМ ҚУВОНЧИ

*Тинч-осуда, юксак тараққиёт сари дадил одимлаётган юртга шодиёналар, байрамлар ярашади. Зеро, бугун рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар, ҳар бир масканда кўзга ташланаётган бунёдкорликлар туфайли дилларда, тилларда шукрона.*

## Оқибат, мурувват, саховат

Халқимизга хос ушбу хислатлар Рамазон ҳайити муносабати билан ўтказилган байрам тадбирларида янада яққолроқ намоён бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 23 июлда қабул қилинган "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу йил ҳам юртимизда ушбу айём катта хурсандчилик билан ўтказилди. Хайру саховат ва меҳр-оқибат байрами бўлган Рамазон ҳайитини кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилди. Айниқса, муборак айём муносабати билан табаррук отахону онахонлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, Меҳрибонлик, Мурувват ҳамда Саховат уйларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган бундай эзгу ишлар юртдошларимиз ўртасида меҳр-мурувват ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Рамазон ҳайитини уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирларда мустақил мамлакатимизда инсон манфаатларига юксак эътибор қаратилаётганлиги, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўзининг беқиёс самарасини бераётгани, юртдошларимиз ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиб, бунёдкорлик ишлари билан банд эканлиги таъкидланди.

— Рамазон ҳайити муносабати билан Оролбўйидаги муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар обод қилинди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси Қ. Елмуратов. — Байрамни ўтказиш жараёнида саховат, мурувват каби халқимизга хос азалий хислатлар янада авж олди.

(Давоми 3-бетда).

## «Ўзимизнинг юртимиздан айланай»

*Гулистон туманилик Исматилла Тўхтамишев Тошкентнинг бош майдонида кўп бора суратга тушган. Тасвирлар муҳрланган давр оралиғи 30-40 йилни ташкил этса-да, набиралари боболарини ҳеч қийналмай таниб олишади. Аммо бир куни альбомларни кўриб ўтирган каратэчи набираси Сардор "Бу расмларга қаерда тушгансиз?" деб сўраб қолди. "Ҳозирги "Мустақиллик майдони"нинг ўрни аввал шундай бўлган, болам, — тушунтирди Исматилла ака. — Ўша пайтларда бу ер кўриб турганингдек, файзсиз, кўримсиз яйдоқ бир жой эди. Ҳаммаёқ темир-бетон билан қопланганди. Яшнаб турган гулзорлар, манзарали дарахтлар қаёқда, дейсан". Лекин бу жавобидан ўзининг ҳам кўнгли тўлмади чоғи, "Кўп эшитгандан, бир кўрган маъқул, қани, ҳозирликларингни кўринглар, эртага тонгда, Тошкентга жўнаймиз, "Мустақиллик майдони"да сайр қиламиз. Ўша ерда бу майдоннинг тарихи ва бугунги куни ҳақида сизларга сўзлаб бераман", деб набираларини сафарга чорлади.*



Шу-шу, неча йилдирки, кичкинтойларни пойтахтга саёҳат қилдириш Тўхтамишевлар оиласида анъанага айланган. Исматилла ака бундан мақсад фақат болаларнинг завқ-шавқ олишида деб билмайди, балки гўдаклигиданоқ юртининг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, қалби фахру ифтихорга тўлиб улғайган фарзанд, албатта, интилувчан, изланувчан, элсевар, юртсевар инсон бўлишига ишонади.

4 ▶




## Истиқлол бахш этган саодат

*Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Гулистон шаҳридаги 1-академик лицей битирувчиси Дилбархон Холжигитова олий ўқув юртига тест синовларисиз ўқишга кириш имтиёзига эга. Шунга қарамай, у ҳозир бир неча фанлар бўйича қўшимча дарсларга қатнамоқда. Бунинг сабабини сўраганларга эса жавоби тайин: "Олий ўқув юртида ҳам аъло ўқиб, юксак эътирофга муносиб талаба бўлишим керак". Истеъдодли қиз, айниқса, инглиз тилини мукаммал ўрганишга астойдил киришган.*

— Таэквондо бўйича Эстонияда ўтказилган жаҳон биринчилигидан кейин шу қарорга келдим, — дейди у. — Ўшанда анча ёш эдим. Иштирокчилардан бири менга инглиз тилида мурожаат қилиб қолди. Унга инглиз тилида жавоб қайтардим. Шунда суҳбатимизни эшитиб турган қўшни мамлакатлар вакиллари "Инглиз тилида яхши гапирар экансан, пуллик курсга қатнайсанми?" деб сўрашди. "Йўғ-е, аввал мактабда, кейин лицейда ўрганганман" дедим. Гапимдан қониқиш ҳосил қилишмади, шекилли, "Унда бой оиладандирсан-да", дея яна саволга тутишди.



4 ▶

## Девиндер Кумар ШАРМА:

# ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИКСЕВАР ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТИ БИЛАН ДУНЁ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2013 йилнинг май ойида Ҳиндистон Республикаси вице-президенти Ҳамид Ансорийнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ўзаро алоқаларга янги суръат бағишлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ахборот технологиялари, тоғ-кон саноати, энергетика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика соҳаларида самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олишга оид битимлар имзоланган, ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг иш юритиши учун яратилган сармоявий муҳит, улкан имтиёз ва имкониятларга ҳиндистонлик ишбилармонларнинг қизиқиши катта. Мамлакатингизда ҳинд сармоядорлари иштирокида тузилган кўплаб қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатаётир. Йирик иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши юртингиз иқтисодий тараққиётида муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳудудлар салоҳиятли хорижий сармоядорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ишбилармонларимиз ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг халқаро ҳамда минтақавий масалаларга оид қарашлари ўхшаш ва яқин. Мамлакатларимиз терроризмга қатъий қарши туриб, минтақада барқарорликни мустаҳкамлашга ўзининг фаол ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон тинчликсевар ташқи сиёсати ва юксак тараққиёти билан дунё эътиборини тортмоқда. Президент Ислом Каримовнинг турли минтақаларда юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш борасидаги ёндашувлари, амалий саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни диверсификация қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва инфратузилмани такомиллаштиришга қаратилаётган улкан эътибор Ўзбекистоннинг юксак суръатларда тараққий этишига хизмат қилаётир. Ўзбекистон тарихан қисқа даврда, асосан, пахта хом ашёси етказиб беришга мослашган республикадан замонавий саноат тармоғи ривожланган, жадал тараққий этаётган давлатга айланди. Буни сўнгги йилларда мамлакатингизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани яққол тасдиқлаб турибди.

Бугунги мураккаб иқтисодий вазиятда бу катта натижа эканини алоҳида эътироф этишни истардим. Бу Ўзбекистон танлаган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — "ўзбек модели" самарасидир. Ушбу машҳур модель бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида Ўзбекистон тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ахборот технологиялари соҳасида қатор қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда ва муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ишончим комилки, мамлакатларимизнинг бу борадаги фаол ҳамкорлиги катта самара беради. Ахборот технологиялари жабҳасини жадал ривожлантиришнинг энг муҳим талаби етук, малакали кадрларга эга бўлишдир. Зеро, Ўзбекистон юксак маънавиятли ва иқтидорли ёшлар мамлакати. Ҳиндистоннинг мазкур йўналишда фаолият юритадиган бир нечта компаниялари Ўзбекистонда ўз бизнесини йўлга қўйишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган, ўзига хослиги ва бетакрорлиги билан жаҳонга довруқ таратган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида ҳиндистонлик созанда ва хонандаларнинг иштироки яхши анъанага айлангани мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар халқ фаровонлигини янада юксалтиришга ва ёшларнинг изланишларини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан эътиборга молик. Аҳолининг 60 фоизидан кўпроғини ташкил этувчи ёшлар келгусида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кучига айланиши шубҳасиз.

Президент Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсатнинг самаралари келгусида янада юксак бўлишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан чин юракдан муборакбод этаман. Мамлакатингиздаги юксак тараққиёт ва мустаҳкам барқарорлик бардавом бўлсин, халқингизга ҳамиша улкан зафарлар ёр бўлсин.

**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

## 2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий судида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида бола ҳуқуқларини таъминлашга оид миллий қонунчиликка халқаро стандартларни жорий этиш борасида Ўзбекистон тажрибаси масаласига бағишланган халқаро амалий семинар ўтказилди. Унда Олий суд ва вилоятлар судлари судьялари, тегишли вазирликлар ва идоралар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

# Баркамол авлод манфаатларининг ҳуқуқий кафолати

Таъкидланганидек, юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб бола ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, бола ҳуқуқларига доир қонунчиликни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини айтиш зарур. Бунинг самараси ўлароқ, бугун юртимизда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Мамлакатимиз Конституцияси асосида бола ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланди. Бу борада бешта халқаро конвенция ратификация қилинди ҳамда ўндан ортиқ қонун қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаяпти. Айни чоғда халқаро стандартларни қонунчилигимизга жорий қилиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ҳамда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминлаб келинмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонунига кўра, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахслар, шу жумладан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаяпти. Шунга мос равишда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалга оширилиб, судларда ва бошқа муассасаларда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланмоқда.

— Ўзбекистонда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси амалиётга тўла татбиқ этилгани, бу соҳада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани эътиборга молик, — дейди БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича халқаро эксперти, судья Ренате Винтер (Австрия). — Юртингизда ушбу йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорликка алоҳида урғу берилаётганлигини ҳам айтиш зарур. Семинарда бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдик ва ўз тажрибаларимизни ўртоқлашдик. Шу маънода, анжуман ҳар бир иштирокчи учун фойдали бўлди, деб ҳисоблайман.

Тадбирда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, хусусан, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилди. Айниқса, бола ҳуқуқларига оид қонунчилик изчил такомиллаштирилаётгани ва қонун ижроси назорати доимий йўлга қўйилганлиги иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди.

Семинарда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда миллий қонунчилик ўрни, тизимга жорий этилаётган халқаро стандартлар, меъёрий-ҳуқуқий базани ва суд механизмларини янада такомиллаштириш, шунингдек, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш каби бир қатор долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Якунда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### САРҲИСОБ

*Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда адлия органлари ва муассасалари томонидан 2014 йилнинг биринчи ярмида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш борасида амалга оширилган ишлар, Фарғона ва Наманган вилоятлари адлия бошқармалари фаолиятини ўрганиш натижалари ҳамда галдаги устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.*

# Натижалар таҳлил қилинди

Жорий йилнинг биринчи ярмида вазирлик томонидан 55 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қонунчиликни такомиллаштириш ва айрим соҳаларга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган 11 қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, 2023 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 1258 та қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Тадбиркорлик субъектлари, инсон ҳуқуқлари ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароит яратиш бўйича қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти ўрганилиб, уларни такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар тайёрланди. Хусусан, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга оид чора-тадбирларни белгилаш, айрим рухсат бериш тартибларини бекор қилиш, уни расмийлаштириш муддатлари ва улар бўйича йиғимлар миқдорини қисқартиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда адлия тизими ходимлари фаол иштирок этишди.

Ҳисобот даврида адлия органлари томонидан судларга киритилган даъво аризаларининг қарийб 47 миллиард сўмлиги қаноатлантирилди. Айни чоғда қишлоқ хўжалиги ҳосили учун тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан 500 мингга яқин шартномалар тузилишида ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Қолаверса, тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини ошириш, Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базасини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш, уни доимий ҳолда янгилаб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги пайтда "Lex.uz" миллий тизимида 31 мингдан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилгани ана шундан далолатдир.

Тадбирда ҳисобот даврида йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилиб, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Адлия вазирлиги**
**Ахборот хизмати.**

# Юқори малакали ҳарбий кадрлар

## миллий армиямизнинг таянчи ва суянчидир



*Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.*

### ИФТИХОР

Унда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши вакиллари, битирувчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Қ. Бердиев ва бошқалар таъкидлаганидек, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда эришилган, бутун дунё эътироф этаётган улкан ютуқ ва марралар замирида, аввало, тинчлик-осойишталик деган улуғ неъмат мужассам. Ана шу неъматни кўз қорачиғидек асраб-авайлашда эса профессионал асосда шакллантирилган миллий армиямиз муҳим аҳамият касб этаётир.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида миллий армиямизни барпо этиш борасида кўлами ва аҳамияти жиҳатидан беқиёс ишлар бажарилди. Қуролли Кучларни бошқаришнинг янги тизими яратилди, қўшинларнинг тузилиши ва таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгарди. Офицер ҳамда сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими вужудга келди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил қилиниб, 1995 йил 2 сентябрда фаолиятини бошлаган Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси мамлакатимиз олий ҳарбий таълим тизимида ҳаётга татбиқ этилган ислоҳотларнинг муҳим босқичи бўлди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур даргоҳ зиммасига малакали офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қолаверса, ҳарбий соҳадаги илмий-амалий тадқиқот ҳамда ишланмаларни мувофиқлаштириш, юртимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш вазифаси юклатилган.

Академияда ўқитишнинг энг замонавий шакллари ва услублари жорий этилган бўлиб, ушбу жараёнда илғор ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ва симуляция воситалари, машқ комплекслари ҳамда тизимларидан кенг фойдаланилади. Тингловчилар назарий жиҳатдан олган билим ва кўникмаларини дала шароитларида амалий жиҳатдан янада мустаҳкамлашади. Жисмоний тайёргарлик ва спорт машғулотларини ўтказиш учун ҳам бу ерда барча имконият яратилган.

Қисқаси, Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясидан юксак интеллектуал салоҳиятли, мураккаб ва кескин шароитларда вазиятни тўғри баҳолаб, тезкор қарорлар қабул қила оладиган профессионал ҳарбий кадрлар етишиб чиқмоқда.

— Бу ерда таълим жараёнига жорий этилган энг илғор педагогик технологиялар асосида ҳарбий соҳага оид билим ва кўникмаларимизни оширдик, — дейди майор Мурод Тешабоев. — Энди бор маҳоратимизни Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, сақлаш йўлида сафарбар этамиз.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Иқтисодий салоҳият ва изчил ривожланиш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳатто кейинги 50 йил ичида (1940 — 1990 йилларда) ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши 54,0 фоиздан 37,0 фоизга, озиқ-овқат саноатининг ҳиссаси 30,0 фоиздан 14,0 фоизга тушиб қолганди. Оқибатда республика жуда қимматли хом ашё — пахта, нитрон, капролактамни четга юбораётган бир пайтда уларни қайта ишлаш имкониятининг борлиги, технология занжири ниҳоясига етказилмаганлиги сабабли, айни шу хом ашёдан ишлаб чиқариладиган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни импорт қилишга мажбур бўлаётган эди.

Ижтимоий соҳадаги аҳвол янада ночор эди. Республикамиз раҳбари вужудга келган бу ўта мураккаб вазиятни ва унинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, аччиқ, аммо жуда ҳаққоний хулосага келганди: "Биз бундан буён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди".

Давлатимиз мустақиллиги шундай таҳликали нуқтадан бошланганига қарамасдан, чорак асрдан ҳам кам муддатда миллий иқтисодиётимиз 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ортгани, кейинги 10 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,0 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани том маънода Ўзбекистон тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олганининг ёрқин далилидир.

### Жаҳон бозорида харидоргир ва рақобатбардош

Мамлакатда ишлаб чиқилган давлат дастурларида, аввало, саноатни устувор даражада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни изчил амалга ошириш кўзда тутилгани натижасида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган тармоқлар жадал суръатларда тараққий этмоқда. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг салкам бешдан тўрт қисми бевосита ушбу тармоқлар ҳиссасига тўғри келаётганлиги шундай дейишимизга асос бўла олади.

Эътиборлиси, бугунги кунда бундай маҳсулотлар ички бозорни тўлдириш баробарида, экспорт ҳам қилинмоқда. Жаҳон бозорларига "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи туширилган автомобиллар, телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобиль телефонлар, кенг турдаги маиший электроника, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари етказиб берилаётганини кўриб, қалбинг ифтихорга тўлади.

Халқаро мутахассисларнинг фикрича, Сурғил кони негизида Устюрт газкимё мажмуасининг барпо этилаётгани ҳам Ўзбекистоннинг истиқболли имкониятга эга давлат эканлигини ифодалайди. Халқаро миқёсда энг салоҳиятли лойиҳалардан бири сифатида эътироф этилаётган мазкур мажмуанинг қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газ, юқори зичликдаги 400 минг тонна полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен, 110 минг тонна пиролиз бензин ишлаб чиқариш қувватига эга бўладиган бу заводнинг Марказий Осиёда муқобили йўқ.

Ҳозирги ривожланиш босқичида мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланган, десак, муболаға бўлмайди. Сабаби, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари кўлами йил сайин кенгайиб, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тамомила ўзгача чирой касб этмоқда. Жойларда барпо қилинаётган замонавий саноат корхоналари, йирик иншоотлар уларга бамисоли узукка кўз қўйгандек ярашиб тушаётир. Узоққа бормайлик, биргина ўтган йилнинг ўзида бунёдкорлик объектларида 13 миллиард АҚШ долларидан миқдорида капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Шунинг ҳисобига нефть-газ, энергетика, кимё, фармацевтика соҳаларида янги қувватлар, Тошкент ва Наманган вилоятларида замонавий тўқимачилик мажмуалари, Жиззах ҳамда Хоразм вилоятларида йигирув ва тўқув, Самарқанд вилоятида спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Озиқ-овқат саноатида эса 20 дан зиёд корхоналарда ишлаб чиқариш тубдан модернизация қилинди.

Миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ҳамда юксак самарали технологияларни жорий этишда "Навоий", "Ангрен", "Жиззах" эркин ва махсус индустриал зоналарининг ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Нега деганда, уларда юксак технологиялар асосида жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

### Саноатнинг истиқболли тармоғи

Кейинги йилларда Ўзбекистон энергиянинг муқобил ва қайта тикланадиган манбалари, хусусан, қуёшдан электр ҳамда иссиқлик энергияси олиш бўйича ҳам юқори салоҳиятга эга эканлигини амалда намоён қилмоқда. Бу соҳанинг жадал ривожланиши электр энергиясига бўлган талаб кескин ортаётган ҳозирги шароитда муҳим аҳамиятга эгадир.

Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки экспертларининг хулосаларига қараганда, Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқ. Ундан унумли фойдаланиш мақсадида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Бунда республика Фанлар академиясининг Осиё минтақасида ягона ва илмий ишланмалари юртимиздан ташқарида ҳам машҳур бўлган "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг муносиб ҳиссаси бор.

Айни пайтда мазкур бирлашма негизида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ташкил қилинган Халқаро қуёш энергияси институти илмий ва илмий-экспериментал тадқиқотлар ўтказиладиган минтақавий марказга айлантирилмоқда. Бундан ташқари, Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилишига киришилган бўлса, келажакда янги технологияларга асосланган яна бир нечта йирик қуёш электр станциясини барпо этиш мўлжалланмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, республикамиз фотоэлектрик модуллар ва қуёш энергетикасида қўлланадиган бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш учун бой хом ашё захираларига эга. Ҳозирнинг ўзида Жанубий Кореянинг "Неоплант" компанияси билан ҳамкорликда йиллик қуввати 12 минг тоннани ташкил этадиган техник кремний ишлаб чиқарувчи завод фойдаланишга топширилди. "Ангрен" махсус индустриал зонасида эса Жанубий Кореянинг "Шиндонг Энерком" компанияси иштирокида йиллик қуввати 5 минг тонна бўлган кремний ишлаб чиқарувчи яна бир корхона қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Шу билан бирга, Хитой Халқ Республикасининг йирик компаниялари иштирокида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида дастлабки қуввати 50 мегаватт бўлган фотоэлектр панеллари, "Жиззах" махсус индустриал зонасида эса йилига 50 минг дона қуёш иссиқлик коллекторлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этилаяпти. Бундай замонавий технологияларни кенг миқёсда қўллаш яқин йилларда юртимиз энергетика тизимига тушаётган энергия юкини 2 миллиард киловатт-соатга қисқартириш, қарийб 2 миллион гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини беради. Бу эса йилига жами 250 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги энергия ресурси тежалади, деганидир.

### Қишлоқ қурилишида энг яхши амалиёт

Истиқлолга қадар республикамизда, айниқса, қишлоқларда турар-жой муаммоси нақадар ўткир ва мураккаб тус олганлиги ҳали кўпчиликнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Яқин-яқингача, яъни мустақилликка эришгунимизга қадар уч-тўрт оила кафтдек ҳовлида, гувала кулбаларда турмуш кечиришга мажбур эди-да.

Мустақил тараққиёт йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробардан зиёд оширишга эришган деҳқон ва боғбонларимиз турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш масаласи доимий эътибор марказида. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши дастури аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Исботми? Мазкур дастур доирасида сўнгги беш йилда мамлакатимизнинг 159 қишлоқ туманида 900 дан зиёд янги уй-жой массивлари барпо этилиб, намунавий лойиҳалар асосида 4,5 миллион квадрат метрлик 33,5 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ жойларда бунёд қилинган янги массивларда, шунингдек, 750 километрлик автомобиль йўллари, узунлиги 1,6 минг километрдан зиёд ичимлик суви қувурлари, 1,2 минг километрлик электр ва газ тармоқлари, 800 дан ортиқ ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари қурилди. Аниқроғи, бундай массивлар ижтимоий объектлар, жумладан, замонавий мактаблар, врачлик пунктлари, минибанклар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар спорт майдонлари ва бошқа иншоотларни қуриш, умуман, инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг бу тажрибаси халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодиёт комиссиясининг Уй-жой хўжалиги ва ердан фойдаланиш бўлими раҳбари, халқаро маслаҳатчилар миссияси раҳбари Гулнора Ролл республикамизда шаҳарсозлик, уй-жой қурилишини ривожлантириш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилгани, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини ошириш борасида ибратли тажриба тўплангани ҳамда ушбу тажрибадан бошқа мамлакатларда ҳам энг яхши амалиёт сифатида фойдаланиш кераклигини қайд этди.

Истиқлол йилларидаги шу ва бошқа улкан яратувчанлик ишларидан ҳақли равишда фахрланар эканмиз, ўзимизга "Кеча ким эдиг-у, бугун ким бўлдик?" деган савол беришимиз табиийдир. Зеро, бундан атиги 23 йил илгари дунё харитасида мустақил Ўзбекистон давлатини топа олмасдик. Бугун эса Ўзбекистон иқтисодиёти ҳатто ҳали-ҳануз давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам барқарор юқори суръатларда ўсиб бораётганини бутун дунё тан оляпти, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори эса кун сайин ортиб бораяпти.

Мухтасар айтганда, ҳозирги ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган мураккаб шароитда юртимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари жадал ва барқарор ривожланаётгани, энг муҳими, тинчлик-осойишталик ҳукм сураётганлиги, миллатлар ҳамда фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ҳамда меҳр-оқибат муҳити тобора мустаҳкамланаётганлиги кўпчиликнинг ҳавасини уйғотмоқда. Буларнинг бари мамлакатимизда мустақилликни кўз қорачиғидек асраш йўлида изчил амалга оширилаётгани тўғри ва оқилона ислоҳотлар самарасидир.

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**



Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё бўйича вакили Корд Майер-Клодт билан учрашув бўлиб ўтди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



# Оқибат, мурувват, саховат

**Халқимизга хос ушбу хислатлар Рамазон ҳайити муносабати билан ўтказилган байрам тадбирларида янада яққолроқ намоён бўлди.**

Хусусан, Нукус шаҳрилик тадбиркор Амина Юлдашева Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун дастурхон ёзди. Улардан 8 нафарининг туғилган куни байрамга тўғри келгани тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Рамазон ҳайити Оролбўйининг барча ҳудудларида кенг ва муносиб ўтказилди.

Азалий қадриятларимиздан бири бўлган муборак Рамазон ҳайити Андижон вилоятида ҳам кўтаринки кайфиятда нишонланди. Қутлуғ сана арафасида "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари ташкилотчилигида зиёратгоҳларда катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Унда ёшу кекса бирдек фаол иштирок этди. Байрамга, шунингдек, маҳалла ва қишлоқларда, гузару кўчаларда қизғин тайёргарлик олиб борилди. Бу ишлар мустақилликнинг 23 йиллигига бағишлаб, "Андижонни обод ва кўркам вилоятга айлантирайлик!" анъанавий кўрик-танлови тадбирларига уланиб кетди.

Рамазон ҳайити кунларида, айниқса, меҳр-мурувват кўрсатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш тадбирларига катта эътибор қаратилди. Жумладан, Олтинкўл туманидаги "Олтинкўл водий гулшани" фермер хўжалиги дала шийпонида кам таъминланган оилаларнинг 11 нафар фарзандлари учун суннат тўйи уюштирилди.

— Бунга қатор ташкилотлар, тадбиркорлар бош қўшди, — дейди "Олтинкўл" қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Юсуфжон Шокиров. — Ҳудудимиздаги Намуна маҳалласи ёшларидан ташкил топган ансамбль ижросида куй ва қўшиқлар янгради. Тўй болаларига уларнинг ота-оналари иштирокида байрам совғалари — велосипедлар топширилди.

Меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат айёми — Рамазон ҳайитини Тошкент вилояти аҳли ҳам кўтаринки руҳда кутиб олди. Байрамга тайёргарлик доирасида вилоятдаги 950 дан ортиқ маҳаллаларда ҳашар ўтказилди. Аҳоли гавжум жойлар, гузар ва хиёбонлар, шунингдек, элликка яқин қадамжо, тарихий обидалар ҳудуди ободонлаштирилди.

Мурувватпешалик — халқимизга хос хислат. Бу олижаноб фазилат Ҳайит кунлари янада теранроқ намоён бўлди. "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлимидан маълум қилишларича, байрам муносабати билан кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларга қарийб 260 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳомийлар ҳимматидан Чирчиқ, Бўка, Оҳангарон туманидаги Меҳрибонлик ва Саховат уйлари ҳам баҳраманд бўлди.

— Яратганга шукрки, мустабид тузум даврида топталган динимиз ҳамда миллий қадриятларимиз мустақиллик шарофати билан қайта тикланди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви раиси Турсунпўлат Норбоев. — Президентимизнинг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига биноан, ҳайитнинг биринчи куни дам олиш куни деб эълон қилиниб, воҳадаги 712 та маҳалла фуқаролар йиғини томонидан маҳалла ва қишлоқлар, 25 та муқаддас қадамжо, 19 та тарихий обидада Рамазон ойи муносабати билан ободонлаштириш ишлари намунали бажарилди. Аҳоли ўртасида жамиятимизда диний бағрикенглик, ушбу Муборак ойнинг фазилатлари ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишларига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳи аъзолари туманларда бўлиб, байрамнинг жойларда миллий қадриятларимизга мос равишда ўтказилишини таъминладилар. Жумладан, воҳадаги Меҳрибонлик ва Мурувват уйларига 6 миллион 415 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, Рамазон ҳайити кунларида вилоятдаги коллежларда тузилган "Ғамхўрлик", мактабларда фаолият юритаётган "Мадад" гуруҳи аъзолари кексалар ҳолидан хабар олиб, уларга байрам таомлари тайёрлаб беришди. Ўша куни меҳнат фахрийлари ва пенсионерлар корхона ҳамда ташкилотларга таклиф этилиб, уларга байрам совғалари улашилди.

Бухорода ҳам эзгулик, меҳр-оқибат байрами саналган Рамазон ҳайити шоду хуррамлик билан қарши олинди. Анъанага мувофиқ, қишлоғу маҳаллаларда ободончилик ишлари амалга оширилди, зиёратгоҳларда ҳашар уюштирилди. Хайрия тадбирлари ташкил этилди. Кекса ва ногирон кишилар ҳолидан хабар олинди. Бухоро шаҳридаги 33-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Зариф Туробов ана шуларнинг бири.

— Гарчи уйда ўтириб қолган бўлсам-да ўзимни ёлғиз ҳис этмайман, — дейди у. — Ҳайит куни уйимга маҳалла фаоллари келиб, совға-саломлар улашишди. Саломатлигимни сўраб-суриштиришди. Маҳалламизда яшовчи яна ўн нафардан зиёд эҳтиёжманд кишидан кўнгил сўрашганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Илоҳим, юртимиздаги тинчлик, фаровонликка кўз тегмасин.

Ҳайит куни биргина "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан 217 нафар ёрдамга муҳтож фуқарога умумий қиймати 14 миллион сўмликдан зиёд кийим-кечаклар улашилди.

Самарқанд вилоятида қутлуғ айём муносабати билан ўтказилган тадбирларда ҳам тинч ва осуда ҳаёт қадри, қадриятларимиз, урф-одатларимиз хусусида сўз борди.

— Бу йилги Рамазон ҳайити биз учун энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами шодиёналарига уйғун тарзда нишонланмоқда, — дейди "Нуроний" жамоат фонди Самарқанд вилоят бўлими раиси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Ҳасан Нормуродов. — Бу мана шундай хайрли кунларда ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик туйғусини, ҳаётдан розилик ҳиссини жўш урдириши, шубҳасиз. Зеро, тинчлик ва осойишталик, халқимиз эришаётган улкан ютуқ ва марралар — буларнинг барчаси истиқлол туфайлидир. Бундай хайрли ва эзгу ишлар ёшларимиз ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, саховат ва қаноат каби юксак фазилатларни қарор топтиришга хизмат қилаётир.

* * *

Рамазон ҳайити, шунингдек, бошқа вилоятларда ҳам уюшқоқлик ва катта хурсандчилик билан ўтказилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий йилнинг иккинчи чорагида Испаниянинг "Bankia" банки 245 миллион евро миқдорида соф фойда олишга эришди.*

### Саъй-ҳаракатлар самара бермоқда



Экспертларнинг изоҳлашича, молия муассасаси бундай ижобий кўрсаткичга кредитлар ҳисобидан орттирилган юқори даромад эвазига эришган. Ушбу жараёнда мамлакат иқтисодиётининг яхшиланиб бораётгани муҳим пойдевор вазифасини ўтаган.

"Bankia" 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида қийин вазиятга тушиб қолган эди. Орадан икки йил ўтиб, Испания ҳукумати уни ўз тасаррруфига олди ва қайта оёққа туриши учун 41 миллиард евро миқдорида маблағ йўналтирди. Ушбу саъй-ҳаракатлар эндиликда ўз натижасини бераяпти. Шу боис яқин келажакда давлатнинг "Bankia"даги 60 фоизлик улушини қисқартириш режалаштирилмоқда.

### Кема гаровга олинди

*Номаълум қуролланган гуруҳ Гана давлати қирғоқларида юк кемасини гаровга олди.*

Мазкур воқеа юз берган вақтда сув транспорти бортида 20 нафар экипаж аъзоси бўлган. Улар Хитой, Мьянма, Корея Республикаси ва Сингапур фуқароларидир. Манбада айтилишича, кема экипажи билан алоқа 26 июль куни узилиб қолган. Кейинроқ у гаровга олинганлиги аниқланди. Транспорт воситаси Сингапур давлатига тегишли бўлиб, у Африканинг ғарбий соҳилларидан нефть ташиётган эди.

Айни пайтда тутқундагиларни озод этиш чоралари кўрилмоқда.

### Бандликда мураккаб вазият

*Июнь ойида Франциядаги меҳнат биржаларига 9400 киши иш сўраб мурожаат қилди.*



Бу майдаги кўрсаткичдан 0,3, ўтган йилнинг июнь ойидаги ҳолатдан эса 4 фоиз кўпдир. Натижада мамлакатдаги ишсизлар сони тўрт миллион кишига етди. Халқаро валюта жамғармаси экспертлари тахминига қараганда, жорий йилда Францияда ялпи ички маҳсулот ҳажми атиги 0,7 фоизга ўсади. Шу боис йил якунига қадар бандликда ижобий томонга жиддий силжиш кузатилишига умид йўқ.

Лекин ҳукумат меҳнат бозорини барқарорлаштириш ниятида бир қатор лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Улар қандай самара беришини вақт кўрсатади.

### Ёз соз ўтмаяпти

*Бир неча кундан бери Японияда кузатилаётган иссиқ ҳарорат туфайли 15 киши ҳаётдан кўз юмди, саккиз минг нафардан ортиқ одам касалхонага ётқизилди.*



Мамлакат марказий ўт ўчириш бошқармаси томонидан маълум қилинишича, айни пайтда Кунчиқар юртда 30 — 36 даража атрофида иссиқ ҳукм сурмоқда. Шу боис фавқулодда вазиятлар вазирлиги, тез ёрдам хизматининг шайлиги оширилган.

Ҳукумат аҳолини ҳуда-беҳудага кўчага чиқмасликка чақириб, ҳозирги шароитда бош кийим билан юришни ва кўпроқ сув ичишни тавсия этган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

ЭЪЛОНЛАР

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2014 йил 27 август куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Самарқанд тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2013 йил 27 сентябрдаги 14-1317/10533-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд тумани, «Қайнама» ҚФЙ, Қайнама маҳалласида жойлашган, қурилиш ости майдони 63,92 кв.м., фойдаланиш майдони 50,40 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 76 743 000 сўм.***

**2.** Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2013 йил 9 сентябрдаги 14-1311/9687-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд тумани, «Боғибаланд» ҚФЙ, Қорасув маҳалласида жойлашган, умумий майдони 36009,16 кв.м. бўлган озиқ-овқат ишлаб чиқариш комбинати бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 363 000 000 сўм.***

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (8-366) 234-06-38.**

Хизматлар лицензияланган.

1140R/90

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Бухоро вилояти Шофиркон тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2014 йил 13 апрелдаги 20-1403/2166-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Шофиркон шаҳри, «Зарчабек» МФЙ, Зарчабек кўчасида жойлашган, умумий майдони 500 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 7 хонадан иборат маиший хизмат кўрсатиш биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 216 016 386 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 3 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 29 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХОАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1146R/1453

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2013 йил 27 декабрдаги 2-195/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Янги овул» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 1195,11 кв.м., фойдаланиш майдони 468,26 кв.м. бўлган қўй қўра бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 192 876 490 сўм.***

- Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Думалоқ» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 0,088 гектар, қурилиш ости майдони 743,86 кв.м., фойдаланиш майдони 925,86 кв.м. бўлган «Феруза» номли тўйхона гузари бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 308 574 465 сўм***

Аукцион савдоси 2014 йил 4 сентябрь куни соат 12.00 да ўтказилади.

- Аукцион савдосига Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2013 йил 17 июлдаги 4260-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Янги овул» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, участканинг умумий майдони 11,29 гектар, қурилиш ости майдони 3869,95 кв.м. бўлган сут-товар фермаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 700 000 000 сўм.***

- Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 12427/9-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оққовоқ» МФЙ, Оққовоқота кўчасида жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган тураржой бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 5 сентябрь куни соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

1142R/1091

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

1058/564

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қорақалпоғистон Республикаси бош филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Кегейли тумани судининг 2014 йил 27 мартдаги 1-136-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Кегейли тумани, Халкабад қўрғонида жойлашган тўйхона (собиқ универмаг) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 451 545 549 сўм.***

**2.** Кегейли тумани, «Актуба» ОФЙ жойлашган молхона биноси (мажмуа).

***Бошланғич баҳоси — 803 661 211 сўм.***

**3.** Нукус шаҳри, Сарбиназ мавзесида жойлашган новвойхона ва қоровулхона бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 625 738 329 сўм.***

**4.** Нукус шаҳри, 23-кичик туманда жойлашган автобаза биноси (мажмуа) (собиқ 1-сонли автобаза).

***Бошланғич баҳоси — 1 415 591 195 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 18 август куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 14 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижро-чилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси бош филиалининг ОАТБ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (8-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1145R/1453



Жаҳон 24 соат ичида: Мадриднинг "Реал" футбол клуби Франциянинг "Монако" клубидан колумбиялик ҳужумчи Хамес Родригесни 80 миллион евро эвазига сотиб олди.

ФАХР

*Ўсиб келаётган навқирон авлод — эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз ташаббуси билан таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бугунги кунга келиб ўзининг юксак самараларини бермоқда. Тизимда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар нафақат ўзимизда, балки халқаро миқёсда ҳам тан олиниб, эътироф этилаётгани барчамизга қувонч бағишлайди.*

# Ёшларимизнинг хориждаги муваффақияти

Жорий йилнинг 21 — 26 июль кунлари Корея Республикасининг Тэджон шаҳрида бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг халқаро математика мусобақасида ёшларимизнинг зафар қучгани ана шу ғамхўрликлар туфайлидир, десак, янглишмаймиз.

Таъкидлаш жоизки, халқаро математика мусобақаси дунёда нуфузли танловлардан бири ҳисобланади. Ташкилий қўмитанинг расмий таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси жамоаси жорий йилда мусобақада илк бор иштирок этди. Танловга тайёргарлик кўриш мақсадида терма жамоа аъзоларига мутахассислар иштирокида махсус машғулотлар ташкил этилди. Унда ўқувчиларга мураккаблиги юқори бўлган алгебра, геометрия, сонлар назарияси, математик мантиқ, комбинаторика ва тўпламлар назариясига оид масалаларни якка тартибда ҳамда жамоа таркибида ечишнинг энг илғор усуллари ўргатилди.

Тэджон шаҳрида ўтказилган нуфузли тадбирда 31 давлатдан 600 нафарга яқин иқтидорли ўқувчилар қатнашди. Улар орасида ўзбекистонлик ёшлар — Булунғур туманидаги 15-сонли умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Сардор Саитқулов, Бувайда туманидаги 2-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 7-синф ўқувчиси Жасурбек Имомов, Китоб туманидаги 1-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати 8-синф ўқувчиси Юлдуз Нейматова, Олот туманидаги 31-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати 8-синф ўқувчиси Даврбек Олтибоевнинг иштироки ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, улар халқаро мусобақанинг жамоавий ҳамда яккалик баҳсларида 2 та кумуш медаль ва масалаларни ўта сифатли бажарганлигини тасдиқловчи сертификатларни қўлга киритдилар.

Куни кеча "Тошкент" халқаро аэропортида Тэджон шаҳрида бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг халқаро математика мусобақаси иштирокчилари Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари, ОАВ ходимлари томонидан тантанали кутиб олинди.

— Халқаро математика мусобақасида ҳар бир иштирокчи ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишга ҳаракат қилди, — дейди мусобақанинг яккалик баҳсларида кумуш медални қўлга киритган Жасурбек Имомов. — Биз ҳам мамлакатимиз шаънини юқори кўтариш ҳамда устозларимиз ишончини оқлаш мақсадида бор билим ва имкониятларимизни ишга солдик. Беллашув якунида республикамиз терма жамоаси йирик натижага эришганини эшитиб, роса қувондик. Тақдирлаш маросимида ота-онам, устозларим кўз олдимга кела бошлади. Бундай муваффақиятга эришишимизда юртимизда биз, ёшларга яратиб берилган имкониятлар ҳамда шунга ҳар доим муносиб бўлишга ундаб, йўл-йўриқ кўрсатиб келаётган устозларимизнинг хизматлари ниҳоятда катта. Мен уларга чин дилдан раҳмат айтаман.

— Қизим Юлдуз халқаро танловда масалаларни ўта сифатли бажарганлигини тасдиқловчи сертификатни қўлга киритганидан кўксим осмон қадар юксалди, — дейди Саодат Ҳикматқулова. — Фарзандларимизнинг юксак даражада таълим-тарбия олишига меҳр кўрсатаётган Президентимизга раҳмат. Бу Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига муносиб совға бўлди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ўзимизнинг юртимиздан айланай»

◄1

Исматилла Тўхтамишев кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлади. Ҳозир касбини тўнғич ўғли Ўктамжон давом эттирмоқда. У — фермер. Исматилла ака ўғлининг хўжалигида тез-тез бўлиб туради. Яқин-яқингача пахта яккаҳокимлиги ҳукм сурган далаларнинг бир қисмидан эндиликда мўл-кўл ғалла олинаётгани, боғ-роғлар, сабзавот ва полиз пайкаллари эл дастурхонига файзу барака киритаётганидан қувонади.

— Гоҳида ёшларимизга истиқлолдан аввал Ўзбекистонга, ҳатто, картошка ҳам четдан келтирилганини айтсангиз, ажабланишади, — дейди Исматилла Тўхтамишев. — Бу бежиз эмас. Чунки улар кўнглида "Ўзимизнинг еримиз бўла туриб, нега картошка экилмаган?" деган савол туғилади-да. Шунда фарзандларимизга пахта яккаҳокимлиги ҳақида гапирсангиз, дарҳол етарли тасаввур ҳосил қилишади. Шукр, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар туфайли ўша ер, ўша заминда бугун миллий бойлигимиз — пахтадан ҳам, ғалладан ҳам, сабзавоту полиз экинларидан ҳам кутилганидан зиёд ҳосил олинмоқда. Мустақиллик эълон қилинган куни денг, ҳузуримга шошапиша бир оқсоқол кириб келиб "Исматилла, ҳозир телевизордан эшитдим, мустақил бўлибмиз, бу яхши хушхабар, лекин нон нима бўлади?" деб қолди. Унинг бу хавотирида жон бор эди, чунки республикамизга оддий картошка каби ун ҳам четдан келтирилар эди-да. Орадан кўп ўтмай барчамиз қатори ўша отахон ҳам неча бор поясини йиқитгудек бошоқ боғлаган ғаллазорларимизни кўрди, дастурхонга ўз буғдойимиздан ёпилган нонлар қўйиб, тўйлар қилди.

Исматилла ака шу кунларда бир гуруҳ тенгдошлари билан Мустақилликнинг йигирма уч йиллиги олдидан ўтказилаётган маърифий-тарғибот тадбирларида фаол иштирок этмоқда. У ана шу учрашувларда бир гапни айтишни канда қилмайди: "Мустақиллигимиздан айланай, у еримизни ўзимизники қилди, ризқи мўл, насибаси бутун эл бўлдик".




# Истиқлол бахш этган саодат

◄1

Уларга оддий оилада ўсиб-улғаяётганимни айтгач, ҳаваси янада ортиб, бош бармоқларини юқорига кўтариб, "зўр" ишорасини кўрсатишди. Ўшанда мусобақада юқори натижа кўрсата олмаган бўлсам-да, Ватанимга жуда хурсанд қайтдим. Чунки юртимизда ёш авлод келажагига қаратилган юксак эътибор натижасини шу қисқагина суҳбат орқали кўз-кўз қила олганимдан бахтиёр эдим.

Дарвоқе, эндигина ўн саккизга кираётган Дилбархон таэквондонинг ITF йўналиши бўйича икки карра Осиё чемпиони. Айни чоғда у отаси Баҳодир Жабборовнинг орзуларини ҳам рўёбга чиқармоқда. Гап шундаки, Баҳодир ҳам болалигидан спортга қизиқар, кураш ва самбо билан шуғулланар эди. Лекин айни билаги кучга тўлаётган паллада истеъдодини қўллаб-қувватлайдиган бирор ташкилот ҳам, малакали мураббий ҳам, шуғулланадиган тайинли жой ҳам бўлмади. Айни сабабдан Баҳодир Дилбархон қатнаётган спорт иншоотларини кўриб, доимо унга "Шу эътиборга, шу шароитларга муносиб бўлишга ҳаракат қилгин, қизим" деб уқтиришни канда қилмайди.

Дилбархон таълим олган лицей ўзининг замонавий илғор таълим технологиялари билан донг таратган. Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум Саме Самадов ҳамда бир эмас, уч нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари номлари эса лицейнинг фахри ҳисобланади. Иқтидорли ўқувчиларни ўзида жамлаган бундай лицейлар вилоятда тўртта. Дилбархон уларнинг барчасида бўлган. Тенгдошларининг ҳам ўзи каби кўркам биноларда, қулай шароитларда таълим олаётганликларини кўриб, роса қувонган. Шунда беихтиёр хаёлидан "Ўша Эстонияда менга ҳавас қилган ёшлар бу мактабларни, лицейларни, коллежларни, ёшлар учун яратилган шароитларни ўз кўзлари билан кўришса, қанчалик ҳайратланишарди-я", деган фикр неча бор ўтган.

*...Дилбархон ҳадемай Италияда бўладиган халқаро мусобақага боради. Исматилла Тўхтамишев эса шу кунларда тенгдошлари билан Хивага сайёҳат қилишни режалаштирмоқда. Ўтган йили у бир гуруҳ сирдарёлик нуронийлар қаторида "Афросиёб" поездига ўтириб, Самарқандни томоша қилиб келганди. Ўшанда поезднинг учқурлигию шинамлигидан, қадим шаҳарнинг эса бугунги кўркам жамолидан лол қолиб, уйига шодон қайтганди.*

*— Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларимиздан олам-олам завқ оламиз, — дейди Исматилла Тўхтамишев. — Ёшим етмиш еттида. Лекин юртимиз бўйлаб сафарга чиқсам, узоқ йўлларда ҳам чарчамайман. Чунки ҳар қадамдаги, ҳар манзилдаги беқиёс ва бемисл ўзгаришлар кишига хуш кайфият бахш этади, юрт ободлигидан кўнгил яйрайди. Тилагим шуки, юртимиз ҳамиша тинч бўлсин. Халқимизнинг эзгу ниятлари рўёбга чиқаверсин. Ёшларимиз баркамол инсон бўлиб вояга етиб, ҳар жабҳада янада юқори натижаларга эришаверсинлар.*

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

ASAKA BANK

## «АСАКА» банки

**қуйидаги корхоналар ва мулкий мажмуаларни сотишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади:**

| Т/р | Объект номи | Объект манзили | Асосий фаолият йўналиши |
|---|---|---|---|
| 1. | «Асака Коттон Импекс» МЧЖ | Тошкент вилояти, Ангрен ш., Саноат майдони | Тиббий гигроскопик пахта ишлаб чиқариш |
| 2. | «Осиё Асака Модел» МЧЖ | Тошкент ш., Гавҳар к., 124-уй | Пойабзал ишлаб чиқариш |
| 3. | «Қоракўл Асака Текстиль» МЧЖ | Бухоро вилояти, Қоракўл ш., Улуғбек к., 3-уй | Калава ип, трикотаж мато ишлаб чиқариш ва уни бўяш |
| 4. | Мулкий мажмуа | Тошкент ш., Саъдий к., Прохладная боши берк кўчаси, 31-уй | Органоминерал ўғитлар ишлаб чиқариш |
| 5. | Мулкий мажмуа | Сирдарё вилояти, Гулистон ш., Н. Зокиров к., 114-уй | Тиббий бинтлар ва жарроҳлик салфеткалари ишлаб чиқариш |
| 6. | Мулкий мажмуа | Тошкент ш., Дўрмон йўли к., 40-«А» уй | Дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш |
| 7. | Мулкий мажмуа | Тошкент вилояти, Янгийўл ш., «Эски Қовунчи» ҚФЙ, Экскаватор к., 1-уй | Мева концентратлари ва шарбатлари ишлаб чиқариш |
| 8. | Мулкий мажмуа | Қашқадарё вилояти, Яккабоғ ш., Ойбек к. | Калава ип ишлаб чиқариш |
| 9. | Мулкий мажмуа | Хоразм вилояти, Боғот тумани, Ўзбекистон к., 1-уй | Калава ип ишлаб чиқариш |
| 10. | Мулкий мажмуа | Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл ш., Қирққиз к., 3-уй | Тайёр тикув маҳсулотлари ва трикотаж мато ишлаб чиқариш |

Хизматлар лицензияланган.

**Ушбу объектлар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар қуйида кўрсатилган манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Муқимий 1-тор кўчаси, 9-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 120-39-75, 120-39-68, 120-39-84.**
**Факс: (8-371) 120-39-84. Электрон почта: info@asakainvestment.uz**

1143R/32


# Жонажон диёр тараннуми

*Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини яқинда катта шодиёналар билан нишонлаймиз. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 июлдаги қарорига асосан, юртимизнинг ҳар бир гўшасида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий ҳамда маданий-маърифий тадбирлар изчил ўтказилмоқда.*

ТАНЛОВ

Улар орасида, шубҳасиз, ҳар йили истиқлол байрами арафасида анъанавий тарзда уюштириб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови алоҳида ўрин тутади.

Кеча мазкур танловнинг Ички ишлар вазирлиги миқёсидаги республика босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда ИИВ маданият саройи Ашула ва рақс ансамбли хонандалари "Ватанни севинг" қўшиғи билан биринчи ўринни қўлга киритишди. Иккинчи ўринларга қорақалпоғистонлик ва фарғоналик санъаткорлар муносиб кўрилди. Учинчи ўринлар ва совриндорлар номлари ҳам аниқланди.

— Ушбу танловда иштирок этишнинг ўзи катта ютуқ, — дейди биринчи ўрин совриндорларидан бири, ИИВ маданият саройи Ашула ва рақс ансамбли хонандаси Фарҳод Қамбаров. — Зеро, Ватанни куйлаш санъаткор учун катта бахт, деб ўйлайман. Шундан келиб чиқиб, "Ватанни севинг" қўшиғи устида узоқ изландик. Ҳаракатимиз ўз самарасини берди.

Якунда ғолиблар ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

**З. ХОЛТЎРАЕВ.**


**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15, 236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz

02



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 26 август куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Сергели тумани СИБ томонидан ЖИБ Мирзо Улуғбек тумани судининг 2013 йил 12 февралдаги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дарёбўйи 2-берк кўчаси, 6-уй, 6-хонадонда жойлашган, 1960 йилда қурилган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 16 644 382 сўм.***

**2.** Мирobод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 27 апрелдаги 10-1214/4155-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирободтумани, Қўйлиқ-1 мавзеси, 16-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 193 кв.м. бўлган, Блок-А ва Блок-Б дан иборат савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 259 463 368,45 сўм.***

**3.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 12 мартдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-уйда жойлашган, умумий майдони 330 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 184 214 000 сўм.***

**4.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 14 мартдаги 10-1304/249-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-4 мавзеси, 41-уйда жойлашган, умумий ер майдони 13 672 кв.м., умумий майдони 4310 кв.м. бўлган маъмурий бино, цех ва омборхоналар.

***Бошланғич баҳоси — 2 116 811 070 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

1139R/90






**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси**

**«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 17 июль 138 (6068)-сонида чоп этилган эълонига қўшимча киритади:**
**«Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун муддат ичида ... қабул қилинади» жумласи ўрнига «Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 2014 йил 18 август соат 15.00 гача ... қабул қилинади»га ўзгартирилади.**

1141R/602


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси катта илмий ходим, филология фанлари номзоди Дурдона Худайбергановага волидаи муҳтарамаси

**Сайёра ХУДАЙБЕРГАНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Чет эл капитали иштирокидаги "Савдогар" очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси Пул муомаласи бошқармаси бошлиғи Фазлиддин Маҳмудовга волидаи муҳтарамаси

**Эсонтош МАҲМУДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

WWW.XS.UZ

Токио: Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонасида "Соғлом бола йили" Давлат дастурига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 769 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5